ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2019 йил «16» декабрь 194/46-5 - сон

2020 йил учун Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) 18-моддасига асосан 2020 йил учун Қашқадарё вилоятининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

б) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишдан акциз солиғи;

– айрим товарларни чакана савдосидан бериладиган ҳуқуқ учун йиғимлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

в) вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

– электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан солиқ;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;

г) мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонуннинг 21-моддасига асосан, Қашқадарё вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ хражатлари тегишли шаҳар ва туманлар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади);

б) қуйидаги харажатлар вилоятнинг вилоят бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

– иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

– вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

– умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

– давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари;

в) қуйидаги харажатлар шаҳар ва туманлар бюджетларидан молиялаштиришга ўтказилади:

– фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар ва туман марказларини сақлаш харажатлари.

4. 2020 йилги вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вилоятнинг вилоят бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2020 йил учун туманлар ва шаҳарларнинг бюджет даромадлар ва харажатлари прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 28 223,3 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Шаҳар ва туманлар бюджетларининг 2020 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Шаҳар ва туманлар бюджетларининг 2020 йил учун захира жамғармаси миқдорлари 7-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари захира жамғармалари маблағларини вилоятнинг вилоят бюджетида ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласинлар.

10. Вилоятнинг вилоят бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар тегишлилиги бўйича вилоят ҳамда туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари таклифларига асосан, тегишли Кенгашлар қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

Бунда, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларнинг моддий-техникасини мустаҳкамлаш, кейинги навбатда уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва вилоятга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баённларида кўзда тутилган тадбирларга, ҳудудлардаги ичимлик суви таъминотини яхшилаш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини таъмирлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

11. Туман ва шаҳар ҳокимликлари, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

Вилоят ҳокимлиги, Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

12. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

14. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бюджетларнинг қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирилишини таъминласин.

15. Вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларининг, шунингдек, вилоят ташкилот ва идораларининг ишчи гуруҳлари томонидан туман (шаҳар)ларда ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган йўл хариталари, йиғилиш баённларига асосан маҳаллий бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

16. Вилоят ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини тегишли вилоят Кенгашига киритилишини таъминласин.

17. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари У.Бутаев зиммасига юклатилсин.

19. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг 2018 йил 29 декабрдаги 151/34-5-сонли қарори 2020 йил 1 январь кунидан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Сессия раиси **И.Абраров**

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
194/46-5 -сонли қарорига
1-илова

Қашқадарё вилоятининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2021-2022 йилга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	39 547,0
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	105,0
3.	Истеъмол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	104,1
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	100,5
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	102,3
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	102,5

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
194/46-5-сонли қарорига
2-илова

Қашқадарё вилояти вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йил прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**1 506 796 401,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	272 010 000,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	0,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	730 237 543,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	0,0
5	Акциз солиғи, жами	27 852 300,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*27 852 300,0*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	293 303 724,0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
8	Юридик шахслар ер солиғи	18 901 122,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	0,0
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	0,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0
12	Давлат божи	63 634 000,0
13	Жарималар	57 103 000,0
14	Ижара тўлови	0,0
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	6 944 000,0
16	Йиғимлар	36 810 712,0

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
194/465-сонли қарорига
3-илова

2020 йил учун Қашқадарё вилояти вилоят бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**2 264 937 585,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 840 859 783,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**31 609 500,0**
	иш ҳақи миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар (индексация)	**37 305 928,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**355 162 374,0**
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**93 286 017,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	93 286 017,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**2 517 737,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 517 737,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
3.	**Ўрта махсус касб ҳунар таълим бошқармаси**	**892 311,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	892 311,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**318 821 129,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	318 821 129,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
5.	**Маданият бошқармаси**	**40 559 264,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	40 559 264,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6.	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**20 951 863,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	20 951 863,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
7.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**3 225 359,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 225 359,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
8.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**3 383 242,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 383 242,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
9.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**1 093 746 123,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 093 746 123,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**13 655 660,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	13 655 660,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11.	**Транспорт департаменти**	**2 101 771,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 101 771,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
12.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**18 247 604,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	18 247 604,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
13.	**Инвестициялар бош бошқармаси**	**4 304 849,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 304 849,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14.	**Туризмни ривожлантириш департаменти**	**395 969,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	395 969,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
15.	**Ветеринария бошқармаси**	**5 755 082,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 755 082,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
16.	**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси**	**1 388 776,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 388 776,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
17.	**Кимматли когозлар бозорини мувофиклаштириш ва ривожлантириш марказининг худудий бошкармаси**	**186 223,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	186 223,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
18.	**Меҳнат бош бошқармаси**	**2 595 525,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 595 525,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
19.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 035 667,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 035 667,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
20.	**Адлия бошқармаси**	**2 785 827,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 785 827,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
21.	**Иктисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошкармаси**	**40 533 797,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 924 297,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	31 609 500,0
22.	**Молия бош бошқармаси**	**400 870 415,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 402 113,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
	иш ҳақи миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар	37 305 928,0
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	355 162 374,0
23.	**Махсус эксплуатация монтаж бўлими**	**5 677 288,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 677 288,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
24.	**Давлат ҳокимият органлари**	**56 797 255,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	56 797 255,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
25.	**Ижтимоий мослашув марказлари**	**543 504,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	543 504,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
26.	**Нуроний жамғармаси**	**516 079,0**

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	516 079,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
27.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**1 121 541,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 121 541,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
28.	**Монополияга карши курашиш бошкармаси**	**574 830,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	574 830,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
29.	**Автомобил йўллар бошқармаси**	**102 088 841,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	102 088 841,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
30.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспекцияси Қашқадарё вилояти бошкармаси**	**6 501 944,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 501 944,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
31.	**Давлат архиви бошқармаси**	**1 510 314,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 510 314,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
32.	**Ғазначилик бошқармаси сақлаш харажатлари**	**7 614 789,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 614 789,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
33.	**Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси сақлаш харажатлари**	**1 445 602,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 445 602,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
34.	**Бошқа ташкилотлар**	**8 305 388,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 305 388,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
194/46-5-сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўлови
1	Қарши шаҳри	0	100	0	100	0	15	100	0	0	100
2	Қарши тумани	0	100	0	100	100	100	100	100	100	100
3	Миришкор тумани	0	100	100	100	100	0	100	100	100	100
4	Ғузор тумани	0	100	0	100	100	15	100	100	100	100
5	Деҳқонобод тумани	0	100	100	100	100	0	100	100	100	100
6	Қамаши тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
7	Косон тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
8	Китоб тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
9	Муборак тумани	0	100	0	100	100	15	100	100	100	100
10	Нишон тумани	0	100	0	100	100	100	100	100	100	100
11	Касби тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
12	Чироқчи тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
13	Шаҳрисабз тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
14	Яккабоғ тумани	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100
15	Шаҳрисабз шаҳри	0	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
194/46-5-сонли қарорига
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил даромадлари ва харажатларнинг чегаравий ҳажми

(минг сўм)

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**1 428 864 599,0**	**1 784 026 973,0**
шундан		
Қарши шаҳри	117 732 307,0	132 137 468,0
Қарши тумани	101 707 131,0	116 946 331,0
Миришкор тумани	61 558 039,0	69 471 317,0
Ғузор тумани	109 282 987,0	121 503 000,0
Деҳқонобод тумани	88 171 322,0	101 410 070,0
Қамаши тумани	94 710 808,0	139 337 733,0
Косон тумани	130 275 340,0	133 506 893,0
Китоб тумани	101 497 521,0	131 762 010,0
Муборак тумани	45 452 755,0	49 388 488,0
Нишон тумани	72 871 067,0	85 402 946,0
Касби тумани	80 892 934,0	101 580 842,0
Чироқчи тумани	145 535 608,0	203 525 146,0
Шаҳрисабз тумани	101 350 102,0	147 723 955,0
Яккабоғ тумани	103 688 291,0	146 840 289,0
Шаҳрисабз шаҳри	74 138 387,0	103 490 485,0

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
194/46-5-сонли қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йилда ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	**758 141 184,0**
шундан	
Вилоят бюджети	402 978 810,0
Қарши шаҳри	14 405 161,0
Қарши тумани	15 239 200,0
Миришкор тумани	7 913 278,0
Ғузор тумани	12 220 013,0
Деҳқонобод тумани	13 238 748,0
Қамаши тумани	44 626 925,0
Косон тумани	3 231 553,0
Китоб тумани	30 264 489,0
Муборак тумани	3 935 733,0
Нишон тумани	12 531 879,0
Касби тумани	20 687 908,0
Чироқчи тумани	57 989 538,0
Шаҳрисабз тумани	46 373 853,0
Яккабоғ тумани	43 151 998,0
Шаҳрисабз шаҳри	29 352 098,0

Халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят Кенгашининг
2019 йил «16» декабр даги
194/46-5-сонли қарорига
7-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил учун заҳира жамғармаларининг миқдорлари

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**26 364 931,0**
	шундан	
1	Қарши шаҳри	**1 952 770,0**
2	Қарши тумани	**1 728 271,0**
3	Миришкор тумани	**1 026 670,0**
4	Ғузор тумани	**1 795 611,0**
5	Деҳқонобод тумани	**1 498 671,0**
6	Қамаши тумани	**2 059 178,0**
7	Косон тумани	**1 973 008,0**
8	Китоб тумани	**1 947 222,0**
9	Муборак тумани	**729 879,0**
10	Нишон тумани	**1 262 112,0**
11	Касби тумани	**1 501 195,0**
12	Чироқчи тумани	**3 007 761,0**
13	Шаҳрисабз тумани	**2 183 113,0**
14	Яккабоғ тумани	**2 170 054,0**
15	Шаҳрисабз шаҳри	**1 529 416,0**